



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 33 (13.366)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ҲУКУМАТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 февраль куни Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Россия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Ҳукумати раисининг ўринбосари Дмитрий Козакни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари кўлаб йўналишларда, хусусан, савдо-иқтисодий соҳада изчил ривожланиётгани ва мустақамланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг 2016 йил 6 сентябрь куни Самарқандда бўлиб ўтган учрашуви чоғида эришилган келишувлар фаол ва самарали амалга оширилаётгани қайд этилди.

Бугунги кунда Россия Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий шерикларидандир. 2016 йил якунларига қўра, ўзаро савдо ҳажми 4,2 миллиард АҚШ долларидан зиёдни ташкил этган. Товар айирбошлаш ҳажмини янада кўпайтириш мақсадида Ўзбекистонда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини "яшил йўлак" орқали россиялик истеъмол-

чиларга етказишни ташкил этишга доир келишувлар имзоланган. Жорий йилда Россия бозорига 1 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавотлар, шунингдек, уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган кенг турдаги маҳсулотлар етказиб бериш мўлжалланган. Ҳамкорликнинг барча йўналишлари, шу жумладан, икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги алоқалар сезиларли даражада фаоллашди.

Инвестициявий ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда Россия капиталли ишториқда ташкил этилган 960 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда, Россиянинг 64 етакчи компанияси ваколатхоналари аккредитациядан ўтган.

Нефть-газ соҳаси билан бир қаторда машинасозлик, металлургия, тўқимачилик саноати, фармацевтика, замонавий тиббий ускуналар ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳала-

рида ҳам янги инвестициявий лойиҳалар тайёрланмоқда ва амалга оширилмоқда. Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида янги дастур ва битимлар ишлаб чиқилмоқда.

Учрашувда иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишларини янада диверсификация қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Томонлар икки мамлакат компаниялари ўртасида узоқ муддатли амалий алоқаларни ўрнатиш, шунингдек, янги қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия муҳим ўрин тутаяётганини қайд этдилар.

Д.Козак самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикаси билан кенг қўламли савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

ЎЗА

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Россия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, сармоя, энергетика, нефть-газ, божхона, транспорт ва транспорт коммуникациялари, темир йўл, авиатасуви, машинасозлик, электр техникаси, қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат саноати, фармацевтика соҳаларида фаолият кўрсатаётган вазирлик ва идоралари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Р.Азизов мамлакатларимиз ўртасидаги савдо, иқтисодиёт, транспорт ва энергетика соҳаларидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувида эришилган келишув ҳуқуқий асос бўлаётгани таъкидланди, келгусида инвестициявий лойиҳаларни кенгайтириш, туризм, таълим, меҳнат миграциясига доир ҳамкорликни кучайтириш лозимлигини қайд этди.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ҳамда 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг 2013 йил 14-15 апрель кунлари Россия Федерациясига расмий ташрифи доирасида қабул қилинган 2013-2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро Дастур икки давлат ўртасидаги самарали иқтисодий шериклигини таъминлашда муҳим асос бўлмоқда.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар жадал суръат билан ривожланмоқда. Россия Федерацияси мамлакатимизнинг ташқи савдо ҳамкорлари орасида етакчи мамлакатга эга. 2016 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 4,2 миллиард АҚШ долларидан зиёдни ташкил этган.

Ўзбекистонда иқтисодиётни диверсификациялаш ва саноатни модернизациялаш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар эътиборга молик, – деди Россия Федерацияси Ҳукумати раисининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Д.Козак. – Мазкур комиссия мажлиси икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш, истикболли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалаларини муҳокама этиш учун қўлай имконият бўлди. Ўзбекистон билан савдо, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, атроф-муҳит, илмий-техникавий соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришдан манфаатдоримиз.

Россия делегацияси Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самаралари, мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун яратилаётган қўлай шароитлар, юртимизнинг экспорт салоҳияти, эркин индустриал зоналардаги имкониятлар билан таништирилди. Ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш лозимлиги таъкидланди.

Мажлисда ўзаро савдо ҳажмини янада ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш масалалари ҳақида сўз юритилди. Савдо, энергетика, транспорт ва транспорт коммуникациялари, транзит, қишлоқ ҳўжалиги, машинасозлик ва бошқа соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш, ўзаро манфаатли лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Севара АЛИЖОНОВА,
ЎЗА мухбири

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

ВАТАН ҲИМОЯСИ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Қобилжоннинг қувончи чексиз. У ўзини камолга етказган жонажон Ватан ҳимоясига отланмоқда.

– Болалигимдан ҳарбий бўлишни орзу қиламан, – дейди у. – Телевизорда ҳарбийлар ҳаёти ҳақидаги фильмларни микиб томоша қиламан. Уларнинг ҳаётига, фаолиятига қизиқаман. "Катта бўлсам, мен ҳам ҳарбий бўламан", деб орзу қилардим. Мана бугун мақсадимга эришганимдан бахтиёрман.

Учтепалик Қобилжон оилада тўрт ўғилнинг кенжаси. Болалигидан спортнинг кикбоксинг тури билан мунтазам шугулланди. Тумандаги 109-умумтаълим мактабини тамомлаб, Ўзбекистон жонхон тиллари университети қошидаги академик лицейда таҳсил олди. Унинг мактаб ва лицейда олган билимлари ва спорт билан шугуллангани тиббий, жисмоний кўриклардан ва тест синовларидан муваффақиятли ўтишида катта аҳамият касб этди.

Мамлакатимиз мудофеа тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида Қўролли Кучларимизнинг моддий ва маънавий қиёфаси янгиланди. Замон талабларига жавоб берадиган тезкор ва ихчам, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямиз барпо этилди. Миллий армиямизнинг жан-

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



О. ХИРСОВАТОВ (3-дан) олтин сурат

говар салоҳиятини кучайтириш, ҳарбийларнинг профессионал малакасини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қўролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш, эл-юртимиз тинчлиги ва оқсоқиллигини, чеғараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, Ватан ҳимоясини деған номга мурасар бўлиш ҳар бир йигит учун нафақат конституциявий бурч, балки олий мақсадга айланди. Мустақиллик ёшларимиз учун миллий армиямиз сафларида ўз йигитлик бурчини ўташ, энг муҳими, озода ва обод Ватанимизнинг янада равнақ топиши, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечирishi, оиласи, яқинларининг тинч ва оқсоқиллашга яшаш учун муносиб ҳисса қўшиш имконини бериб.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитлари тако-

миллаштирилиши муносабати билан армияга қақруви йилда бир марта – февраль-март ойларида амалга ошириш тизими яратилди, мудофеа ишлари бошқарма ва бўлимларининг моддий-техник базаси мустақамланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақруви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қўролли Кучлар резервиге бўшатиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ Тошкент шаҳар мудофеа ишлари бошқармасида ҳам фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга қақриш ишларига пухта тайёргарлик қўрилди.

(Давоми 2-бетда)

200 дан ортигининг ечими бўйича тегишли масъул идора раҳбарларига топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

• "Ички ишлар органларининг намунали таянч пункти" кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичида Гулистон шаҳри "Навбахор" маҳалла фуқаролар йиғини 1-милиция таянч пункти ғолиб бўлиб, мамлакат босқичига йўлланма олди.



• Ўтган йили энг кўп автомобиллар сотилиши бўйича жаҳонда Германиянинг "Фольксваген" компаниясидан кейин иккинчи ўринни эгаллаган Япониянинг "Тойота" автомобилсозлик корхонаси Кунчикар мамлакатининг яна бир йирик ишлаб чиқарувчиси "Сузуки"

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЙЎЛ ҲЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш жараёнига комплекс ёндашиш асосида йўл ҳўжалигини бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш, уларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, лойиҳалаштириш ва йўл-қурилиш ишлари сифатини ошириш имконини берадиган тўлақонли буюртмачи хизматини яратиш мақсадида:

1. Тугатилаётган Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси ("Ўзавтйўл" ДАК) негизида Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ташкил этилсин.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси:

мажбуриятлар ва шартномалар, шу жумладан, халқаро шартномалар бўйича Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компаниясининг ("Ўзавтйўл" ДАК) ҳуқуқий вориси ҳисобланади; автомобиль йўллари соҳасида махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

автомобиль йўллари соҳасида ягона техника сиёсатини олиб бориш;

автомобиль йўллари ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

автомобиль йўллари тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш истикболларини белгилаш;

автомобиль йўллари тармоқларини халқаро транзит йўлакларини шакллантириш;

замонавий транспорт оқими шароитларида автомобиль йўлларида фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, автомобиль йўллари молиялаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш масалалари комплекс ҳал этилишини таъминлаш ҳамда буюртмачи хизматининг самарали фаолиятини ташкил этиш;

автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш сифати устидан назоратни амалга ошириш; ҳўжаликларида қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчаларининг мавжуд тармоғи сақлашини таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш, уларнинг юқори транспорт-фойдаланиш даражасида бўлишини таъминлаш;

илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш соҳасида инновациялар технологиялар ва замонавий стандартларни жорий этиш;

автомобиль йўллари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан, чет элларда ўқув-амалиёт курслари ва семинарлар ташкил этиш.

4. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳўкимияти органлари, шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси ташкил этилсин.

6. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

юридик ва жисмоний шахслар томонидан йўл қурилиши ишларида, йўл-қурилиш материаллари, маҳсулотлар ва конструкцияларни ишлаб чиқаришда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

қурилиш тугалланган йўл объектларини фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида қатнашиш;

йўл қурилиши юзасидан шаҳарсозлик қонунчилигига риоя қилиниши устидан назорат қилиш ташкил этиш бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни такомиллаштиришга доир тақлифлар киритиш ва унда иштирок этиш;

йўл-қурилиш материаллари, маҳсулотлар ва конструкцияларни стандартлаштириш ва сертифицилаштириш ишларини олиб бориш.

(Давоми 2-бетда)

компанияси билан ҳамкорлик юзасидан келишув имзолади. Эндиликда улар ҳамкорликда янги технологияларни ўзлаштирадилар. "Сузуки" Ҳиндистон бозоридан муқим ўрин эгаллаганига боис "Тойота" ҳам келгусида ушбу мамлакатни забт этиш ниятида.

• Жанубий Кореянинг Пхёнчхан шаҳрида 2018 йилда бўлиб ўтадиган қишки Олимпияда ўйинлари дастуридан ўрин олган бир қатор мусобақалар ташкил этиладиган Каннин шаҳрида Олимпия машъаласининг тақдими бўлиб ўтди. Машъаланинг конструкцияси ҳар қандай табиий шароитларда, жумладан, кучли шамол ва қор ёққанида ҳам оловнинг ўчмаслигини таъминлайди. Машъаланинг тақдими билан бир вақтнинг ўзида Олимпия оловини элтиб берувчилар эстафетаси қатнашчиларининг либослари ҳам намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЙЎЛ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсундирилсин ва қуйдагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Республика йўл жамғармаси маблаглари тушуми ҳамда сарфининг йиллик ва чораклик ҳисоботларини шакллантириш;

йўл хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлашнинг номином рўйхатларини белгиланган тартибда келишиш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида фойдаланиш ва уларни сақлаш харажатлари сметасини рўйхатдан ўтказиш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари

ни қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, жиҳозлаш ҳамда улардан фойдаланиш борасидаги тадбирларни тасдиқланган харажатларга мувофиқ молиялаштириш.

8. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига маблагларни йиғиш ва тушувларнинг тўлиқлигини назорат қилиш функцияси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига, Давлат божхона қўмитасига ва Ички ишлар вазирлигига юкланади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблаг-

ларидан асосли ва мақсадли фойдаланилиши устидан назорат қилиш функцияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юкланади;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари ва мукамал таъмирлаш объектларини техник-иқтисодий асослашни (техник-иқтисодий ҳисоб-китобни), автомобиль йўллари мукамал таъмирлаш объектларининг иш ҳужжатларини ва автомобиль йўллари жиҳозлаш бўйича танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича бююртмачи функцияси Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасига юкланади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ва йиғимлар умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий йиғимлар ҳисобланади, уларнинг миқдори ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тасдиқланиши билан бир вақтда белгиланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда:

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этишни ҳамда 2017-2018 йилларда ҳудудий автомобиль йўллари ривожлантириш Дастурини

амалга ошириш чора-тадбирларини назарда тутадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари лойиҳаларини киритсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ўшбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2003 йил 19 августдаги ПФ-3292-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ўшбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 14 февральЙЎЛ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
БЎЙИЧА МЕЎРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРГА ШАРҲ

Йўл хўжалиги соҳасининг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан юксак аҳамиятга эга экани унинг ҳуқуқий ҳусусияти ҳисобланади. Иқтисодиётнинг умумий ривожини, аҳоли бarchа қатламларининг ҳаёт сифати аини шу тизимнинг самарали фаолият кўрсатишига бог-лик.

Мустақиллик йилларида вилоятлар ва туманларнинг маъмурий марказларини богловчи кенг тармоқли транспорт алоқалари ҳамда давлатлараро хавфсиз транспорт ташувларини таъминлашга қаратилган йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича катта миқёсдаги ишлар амалга оширилди.

Айни вақтда, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари бошқариш тизими, автомобиль йўллари сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш ишларига йўналтирилаётган маблаглардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда ана шу йўлларида бугунги кундаги ҳолати билан боглиқ бир қатор муаммолар ҳал этилмасдан қолмоқда.

Мамлакатимизда автомобиль йўллари тармоғи бўйича юзага келган ҳақиқий ҳолат ва ривожланиш даражаси йўл хўжалигининг барча йўналишларига доир аниқ ва самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишни, автомобиль йўллари бошқаришда ҳамда иқтисодиёт ва аҳоли эҳтиёжларига мувофиқ республикамизда йўл тармоғи ҳолатини сифат жиҳатидан ўзгартиришга қаратилган қўшимча чоралар қабул қилишни тақозо этмоқда.

Автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш ишларига комплекс ёндашиш асосида йўл хўжалигини бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш, уларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, бу борада лойиҳалаштириш ва йўл-қурилиш ишлари сифатини ошириш имконини берадиган тўлақонли бююртмачи хизматини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Фармонда тугатилаётган Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси (“Ўзавтойўл” ДАК) негизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йўллари давлат қўмитасини ташкил этиш назарда тутилди.

Автомобиль йўллари бошқариш бўйича махсус ваколатларга эга бўлган давлат органи сифатида Давлат қўмитасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйдагилар белгиланди:

автомобиль йўллари соҳасида ягона техник сибсатни олиб бориш;

автомобиль йўллари тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболларини белгилаш;

автомобиль йўлларидаги халқаро транзит йўлакларини шакллантириш;

замонавий транспорт оқими шароитида автомобиль йўлларида фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, автомобиль йўллари молиялаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш масалалари комплекс ҳал этилишини таъминлаш ҳамда бююртмачи хизматининг самарали фаолиятини ташкил этиш;

хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларидаги, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар қўчаларининг мавжуд тармоғи сақланишини таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш, улардан транспортда фойдаланиш даражаси юқори бўлишини таъминлаш;

илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, автомобиль йўллари лойиҳалаштириш,

қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш соҳасида инновацион технологиялар ва замонавий стандартларни жорий этиш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш соҳасидаги шахарсозлик нормалари ва қоидалари, сифат стандартларига риоя этилишини таъминлаш;

автомобиль йўллари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни, жумладан, чет элларда ўқув-амалиёт курслари ва семинарлар ташкил этиш.

Фармонда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Йўл-қурилиш ишларининг сифати устидан назорат олиб борадиган Давлат инспекциясини ташкил этиш назарда тутилган.

Қуйдагилар Давлат инспекциясининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади:

юримдик ва жисмоний шахслар томонидан йўл қурилиши ишларида, йўл-қурилиш материаллари, махсулотлар ва конструкцияларни ишлаб чиқаришда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

қурилиш тугалланган йўл объектларини фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида қатнашиш;

йўл қурилиши бўйича шахарсозлик қонунчилигига риоя қилиниши устидан назорат қилишни ташкил этиш борасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида норматив ҳужжатларни такомиллаштиришга доир таклифлар киритиш ва унда иштирок этиш;

йўл-қурилиш материаллари, махсулотлар ва конструкцияларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш ишларини олиб бориш.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсундирилиб, унинг асосий вазифалари этиб қуйдагилар белгиланди:

Республика йўл жамғармаси маблаглари тушуми ва сарф-харажатларининг йиллик ва чораклик балансларини шакллантириш;

йўл хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлашнинг манзилли рўйхатларини белгиланган тартибда келишиш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларидаги фойдаланиш ва уларни сақлаш харажатлари сметасини рўйхатдан ўтказиш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларидаги қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, жиҳозлаш ҳамда улардан фойдаланиш борасидаги тадбирларни тасдиқланган харажатларга мувофиқ молиялаштириш.

Кенг қамровли автомобиль йўллари тармоғини янада ривожлантириш, юксак халқаро талабларга жавоб берадиган транспорт коммуникациялари тизимининг халқаро транспорт йўлакларига кенг интеграциялашувини таъминлаш, автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш, таъмирлаш ва сақлашга йўналтириладиган давлат молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиш, шу билан бирга, йўл корхоналари тузилмасини такомиллаштириш ва фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорда:

– Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ҳузурида Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш дирекциясини ташкил этиш;

– “Ўзавтойўл” давлат акциядорлик компаниясининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотларини Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг ҳудудий бош бошқармалари этиб қайта ташкил этиш;

– Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармалари ҳузурида минтақавий йўлларга бююртмачи хизматини белгиланган тартибда ташкил этиш;

– Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармалари ҳузурида минтақавий йўлларни таъмирлаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар ташкил этиш назарда тутилди.

Шунингдек, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институти ҳамда ихтисослашган касб-хўнар коллежлари Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси таркибига берилмоқда.

Айни вақтда қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар қўчаларининг ҳолати билан боглиқ бўлган бир қатор муаммолар ҳал этилмасдан қолмоқда, ўшбу автомобиль йўлларидаги аксарият қисми белгиланган сифат ва хавфсиз ҳаракатланиш талабларига жавоб бермайди.

Янги турар жой мавзеларининг барпо этилиши, шаҳарларнинг кенгайтирилиши,

транспорт восталари сонининг жиддий кўпайиши минтақавий автомобиль йўллари ҳолатини тубдан яхшилаш юзасидан амалий чора-тадбирлар қўришни талаб қилади.

Туман ва шаҳарларнинг йўл ташкилотлари йўл-таъмирлаш техникаси, моддий-хўна ашё ресурслари билан етарли даражада таъминланмаган, ҳар йили ажратилаётган маблаглар хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар қўчаларини зарур даражада сақлаш ва таъмирлаш ишларининг сифатли бажарилишини таъминлаш учун етарли эмас.

Шу муносабат билан минтақавий автомобиль йўлларидаги йўл қопламалари ҳолатини зарур даражада келтириш ва уларни эксплуатация қилиш хусусиятларини ошириш орқали йўл-транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳаёт фаолияти учун, айниқса, қишлоқ жойларда қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларини ва ҳудудларини истиқболли ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2018 йилларда минтақавий автомобиль йўллари ривожлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Дастурда қуйдаги вазифалар назарда тутилган:

2017-2018 йилларда 5454 километр, жумладан, 2017 йилда – 2700 километр, 2018 йилда – 2754 километр хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқ ва овулларнинг қўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш;

хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқ ва овулларнинг қўчаларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун минта-

қавий йўллари таъмирлашга ихтисослаштирилган ташкилотларни 330 та йўл техникаси билан таъминлаш;

мавжуд республика хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқ ва овуллар қўчаларини босқичма-босқич хатловдан ўтказиш ва уларни паспортлаштириш, бу борадаги ишлар натижалари бўйича электрон маълумотлар базасини яратиш.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 295 километр, Андижон вилояти бўйича – 324 километр, Бухоро вилояти бўйича – 439 километр, Жиззах вилояти бўйича – 222 километр, Қашқадарё вилояти бўйича – 679 километр, Навоий вилояти бўйича – 216 километр, Наманган вилояти бўйича – 309 километр, Самарқанд вилояти бўйича – 479 километр, Сурхондарё вилояти бўйича – 535 километр, Сирдарё вилояти бўйича – 267 километр, Тошкент вилояти бўйича – 516 километр, Фарғона вилояти бўйича – 520 километр, Хоразм вилояти бўйича – 321 километр ва Тошкент шаҳри бўйича – 332 километр йўллар ва қўчаларни таъмирлаш назарда тутилган.

Юқоридagi қарорларнинг амалга оширилиши қуйдаги масалаларни ҳал қилиш имконини беради:

Биринчидан, йўл хўжалигини бошқариш тизимини такомиллаштириш, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларидаги замонавий тармоғини янада ривожлантириш;

Иккинчидан, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларидаги сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш ишларига йўналтирилаётган маблаглардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

Учинчидан, лойиҳалаштириш ва йўл-қурилиш ишлари сифатини ошириш имконини берадиган тўлақонли бююртмачи хизматини ташкил этиш;

Тўртинчидан, юридик ва жисмоний шахслар томонидан йўл қурилиши ишларида, йўл-қурилиш материаллари, махсулотлар ва конструкцияларни ишлаб чиқаришда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилиш;

Бешинчидан, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларидаги қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, жиҳозлаш ҳамда улардан фойдаланиш чора-тадбирларини тасдиқланган харажатларга мувофиқ ўз вақтида молиялаштириш;

Олтинчидан, автомобиль йўллари, айниқса, қишлоқ автомобиль йўлларидаги реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишда янги тузилма, яшаш учун қулай ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш;

Еттинчидан, Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институти ва касб-хўнар коллежлари негизида, жумладан, бевосита ишлаб чиқариш корхоналарида, лабораторияларда ва илмий-лойиҳа ташкилотларида амалий машғулотларни тизимли ташкил этиш йўли билан таълим сифатини оширишни таъминлаш ва умуман, соҳа учун профессионал кадрларни тайёрлаш;

Саккизинчидан, минтақавий автомобиль йўлларидаги сақлашга тегишли ҳодим ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, йўллари эксплуатация қиладиган ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

Тўққизинчидан, автомобиль йўлларидаги паспортлаштириш ва йўлларидаги жорий ҳолатини акс эттирган ҳолда, электрон маълумотлар базасини яратиш.

Мухтасар қилиб айтганда, ўшбу вазифаларнинг амалга оширилиши иқтисодиёт ривожига, шаҳар ва қишлоқларимизни янада обод қилиш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришга хизмат қилади.

ВАТАН ҲИМОЯСИ
ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Ҳарбий хизматни ўташ учун отланаётган ёшларнинг соғлиғи, жисмоний тайёргарлиги билан бирга маънавияти, интеллектуал салоҳияти, ахборот-компьютер технологияларига асосланган таълимнинг замонавий усул ва шакллари ўзлаштири олиш қобилияти ҳам кўриқдан ўтказилиб, энг муносиблари бир неча босқичдан иборат танлов орқали саралаб олинмоқда, – дейди Тошкент шаҳар мудоффа ишлари бошқармаси бошлиғи Эргашали Тоштемиров. – Бу, ўз навбатида, миллий армиямиз сафларини Ватан ҳимоясидек шарафли ишга муносиб кадрлар билан тўлдиршида муҳим аҳамият касб этаётир.

Бўлажак Ватан ҳимоячиларига Қуролли Кучларимизнинг мазмун-моҳияти, ҳарбий хизматчиларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди. Малакали мутахассислардан иборат чакирув комиссияси ташкил этилди. Йигитларнинг билим даражасини аниқлаш мақсадида уларнинг мактаб таълими дастуридаги мажбурий фанларни ўзлаштириш даражаси, интеллектуал ривожланиш даражаси, шунингдек, мослашувчанлик ва чидамлилиқ қобилияти текширилди. Шунингдек, улар жисмоний тайёргарлик синовидан ўтказилди. Тест синовлари ақнида миллий армиямизда муддатли ҳарбий хизмат қилиш учун энг юқори балл эгалари саралаб олинди.

Тиббиёт мутахассисларининг таъкидлашича, муддатли ҳарбий хизматга отланаётган ёшларнинг бўйи ва вазнининг мутаносиблиги, жисмонан бақувватлиги, руҳий тетиклиги, яхши билимга эгаллиги кузатишмоқда. Бунда уларнинг соғлом турмуш тарзига амал қилиши, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланиши, ўзи қизиққан соҳа бўйича турли тўғрақларга қатнаши алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Темурбек Ирисбоев пойтахтимизнинг Бектемир туманидан. У ҳам болалигидан Амир Темур, Қалолитдин Манғуберди сингари буюк аجدодларимизга муносиб ворис бўлишга, ҳаётини ҳарбий соҳа билан боглашга астойдил ҳаракат қилди. Тумандаги 293-умумтаълим мактабида ўқиш баробарида спорт билан шугулланди. Тошкент политехника касб-хўнар коллежини тамомлагач, Ўзбекистон мудоффа-сига қўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотига алоқа восталаридан фойдаланиш бўйича билим ва қўникмаларни эгаллади.

– Она Ватан ҳимояси учун бел боглаб, ҳарбий либос кийиш – ҳар бир йигитнинг орзуси, – дейди у. – Чунки аждодлардан мерос шу табарруқ заминни, ота-онам, ўка-сингилларим яшаётган уйимизни, тинч-осойишта Ватанимизни ҳимоя қилиш энг шарафли бурчдир. Келажда ҳарбий мутахассис бўлиш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, юртимизга қалқон бўлишни мақсад қилганман. Муддатли ҳарбий хизматга отланаётганим мақсадим сари ташлаётган илк қадамимдир.

Байрам АЙТМУРОВОВ

ЛОГИСТИКА ВА
ТАРАҚҚИЁТПойтахтимизда “Марказий Осиёда
транспорт ва логистика бизнес-
ушмаларини мустаҳкамлаш”
лойиҳасининг тақдироти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Бизнес-логистикани ривожлантириш уюшмаси, Болгария тадбиркорлик ва бошқаруви ривожлантириш маркази, Туркменистон халқаро автомобиль ташувчилари уюшмаси ҳамда Латвия стивидор компаниялари уюшмаси ҳамкорлигида амалга оширилаётган лойиҳани Европа Иттифоқи комиссияси молиялаштирмоқда.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи А.Икромов, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари Э.Стипрайс, Латвия стивидор компаниялари уюшмаси президенти У.Паланс ва бошқалар дунёда мева-сабзавот махсулотларини харид қилиш, сақлаш, бирламчи ишлов бериш, экспортга тайёрлаш ва транспортровка қилиш ишларини комплекс бажариш аҳоли фаровонлиги ва мамлакатлар ўртасидаги экспорт салоҳиятини янада оширишга хизмат қилишни алоҳида таъкидлади.

2017-2019 йилларда Ўзбекистон ва Туркменистон ҳудудларида амалга оширилиши режалаштирилган мазкур лойиҳалар кўмағида замонавий логистика марказларини қўйлаштириш мўжжалланмоқда. Лойиҳа бизнес-ушмалар, кичик ва ўрта бизнес вакилларига товарлар етказиб бериш, сақлаш ва тақсимлаш, иш ўринларини яратиш ва ҳодимларини ўқитишни қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, транспорт ва омор логистикаси соҳасида фаолият юритувчиларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардорлигини ошириш, Марказий Осиёда кичик ва ўрта бизнес ривожини рағбатлантириш, экспортни кенгайтириш орқали давлат ва хусусий тадбиркорларнинг шериклиги йўналишидаги ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадбирда янги лойиҳанинг замонавий логистика тизимини амалиётга янада кенгрок татибиқ этиш, мавжудларини такомиллаштириш ҳамда ривожлантиришдаги аҳамияти хусусида маърузалар тингланди.

ЎЗА

МЕХНАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ – УНУМДОРЛИК ГАРОВИДИР

Тошкент шаҳар “Сувсоз” давлат унитар корхонасида 2016 йил 22 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонун мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбир Тошкент шаҳар “Сувсоз” давлат унитар корхонаси, Миробод туман прокуратураси ҳамда Тошкент шаҳар касаб ва уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди. Давра суҳбатидан кўзланган асосий мақсад “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг мазмун-моҳияти ва унга киритилган ўзгаришларни корхона ишчи-хизматчи ходимларига етказиш ва шу орқали уларнинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сihat-саломатлиги ва иш қобилиятини сақланишини муҳофаза қилишдан иборатдир.

Тадбирда Тошкент шаҳар касаб ва уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Равшанхон Махаммадиев ва бошқалар ушбу қонуннинг ўз вақтида қабул қилинганлиги, меҳнаткашларга кўпгина қулайликлар яратилганлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Хозирги кунда бир қатор халқаро меҳнат ташкилотларининг баёнотида кўра дунёда бир йилда 200 миллиондан ортиқ меҳнаткашлар ўлими кузатилаётганда ва йилга 170 миллиондан ортиқ меҳнаткашлар турли хил касб касалликларига чалинмоқдалар. Бундай ҳолатлар эса жабон меҳнат бозорида бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради. Дунёда шундай муаммоларнинг келиб чиқмаслиги учун меҳнат бозорида ишчи-хизматчи ходимларга хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини яратиш, уларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлигини ҳимоя қилинишни янги босқичга кўтариш даркор.

Меҳнатни муҳофаза қилиш – бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сihat-саломатлиги ва иш қобилиятини сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат. Янги таҳрирдаги мазкур қонунга киритилган ўзгаришлар меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Бундан ташқари ишлаб чиқариш усуллари, мулк шаклидан қатъи назар меҳнатни муҳофаза қилиш ташкил этишининг ягона тартибини белгилайди ҳамда фуқароларнинг соғлиги ва меҳнати муҳофаза қилинишини таъминлайди.

— Тадбирда ушбу қонунни ишлаб чиқиш жараёнидан то уни қабул қилинишигача бўлган даврда амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил тушунчалар берилди, — дейди Тошкент шаҳар “Сувсоз” касаб ва уюшмаларининг ташкилий масалалар бўйича масъул ходими Холида Юсупова. — Корхонада бевосита меҳнат муҳофазаси масалалари билан банд бўлган ходимлар ушбу қонуннинг афзалликлари, уларда соҳа вакилларига берилаётган имтиёз, кафолатлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мазкур қонуннинг ҳар бир моддаси юртимиздаги корхона-ташкilotларда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчи, ходимларни меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сihat-саломатлиги, ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини юксак даражада таъминлашга хизмат қилади.

Нодир АБДУШАХИДОВ,
“Тошкент сув таъминоти” шўъба корхонаси
ишлаб чиқариш техник бўлими муҳандиси

Мамлакатимизда жамиятнинг моддий ва маънавий жиҳатдан уйғун ривожланишига, ёш авлоднинг баркамол бўлиб voyга етишига қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Маънавиятимизнинг муҳим ва узвий қисми бўлган адабиётни ривожлантириш, ноширлик ва матбаа ишларини тараққий эттириш эътибор марказида бўлмоқда. Матбуот, ноширлик ва ахборот соҳасининг мустақкам ҳуқуқий асоси яратилди. Бу борада ўндан ортиқ қонун ва ўттиздан ортиқ қонуности ҳужжати қабул қилинган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлиқ маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши бу борадаги хайрли ишларни янги босқичга кўтаришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан вазирлик ҳузуридаги ихтисослаштирилган “Адолат” наشريётида “Аҳолининг ҳуқуқий билими ва саводхонлигини оширишда китоб мутолаасининг аҳамияти” мавзусида ташкил этилган матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз юритилди.

“Адолат” наشريёти директори А.Инанбоев, юридик фанлари доктори М.Рустамбоев ва бошқалар мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва

маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган кенг қўламли чоратадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиши-

якин номда қарийб 8,5 миллион нусха адабиётлар нашр этилиб, аҳолига етказилди. Улар орасида Ўзбекистон Республикасининг кодекслари, қонунлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, ҳуқуқшуносликнинг турли соҳаларига оид илмий, илмий-

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА КИТОБНИНГ ЎРНИ

га, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғуси янада ортишига хизмат қилаётган.

Бу жараёнда ҳуқуқий адабиётлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш, сифатини яхшилаш борасида 1992 йилда ташкил этилган ихтисослаштирилган “Адолат” наشريёти томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йигирма беш йилда наشريётда мамлакатимизда қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришга ҳисса қўшиш мақсадида 800 га

оммабоп адабиётлар, дарслик, ўқув қўлланмалар бор.

Наشريётнинг изчил ривожига давлатимиз томонидан наشريёт, полиграфия корхоналарини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратилаётгани, уларга солиқ имтиёзлари берилгани муҳим аҳамият касб этаётган.

2016 йилда наشريёт томонидан 50 га яқин номда адабиёт нашр этилган. Янги таҳрирдаги “Йўл ҳаракати қоидалари” китобининг ўзбек ва рус тилларида юз минг нусхада нашр

Ўзбекистон

Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги “Маънавият ва маърифат” марказида “Ёшлик” шаҳарчаси ҳокимлиги, “Камолот” ЁИХ шаҳарча Етакчилар Кенгаши ҳамкорлигида ҳудуддаги ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчи-қизлари ўртасида “Буюк халқнинг – шижоатли ворисларимиз!” мавзусида ўтказилган кўрик-танловнинг якуний босқичи ташкил этилди.



КЎРИК-ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Ўқувчи-қизларни мустақкам оила барпо этишга тайёрлаш, ёшларнинг ўз иқтидор ва интеллектуал салоҳиятларини эркин намоён эта олишлари учун шарт-шароитлар яратиш, улар ўртасида соғлом рақобат тушунчасини шакллантириш ва кучайтириш, шунингдек, она Ватанга муҳаббат, миллий кадриятларимиз, халқимизга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида ўтказилган кўрик-танловда коллеж ва академик лицейларда тахсил олаётган 6 нафар ўқувчи-қизлар маҳоратларини кўрсатишди.

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”га бағишлаб

ўтказилган мазкур кўрик-танлов шартларига кўра ўқувчи-қизлар “Мен ўзбекининг шижоатли қизиман” мавзусида ўз иқтидорини намоён этиши, “Буюк халқнинг – шижоатли ворисларимиз!” номи остида миллий урф-одатларимизни акс эттирувчи сахна кўринишини тақдим этиш ва оиланинг мустақкамлигини таъминловчи омилардан бири ҳисобланган пазандачиликни намоён қилишлари белгиланди.

Кўрик-танлов натижаларига кўра биринчи ўринни Тошкент маданият коллежи ўқувчиси Даниела Дўстматова қўлга киритди. Иккинчи ўрин Олмазор по-

литехника касб-хунар коллежи ўқувчиси Азиза Фаниевага, учинчи ўрин эса Тошкент хизмат кўрсатиш ва сервис коллежи ўқувчиси Нодира Иззатуллаевага насиб этди.

Танлов ғолибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан тақдирланишди. Ўйлаймики, бундай тадбирлар бўлажак мустақкам оилалар қурилиши учун замин яратиши, шубҳасиз. Зеро, оила мустақкамлиги халқ фаровонлигидан далолат беради.

Зиёда РАСУЛОВА

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Маънавият ва маърифат марказида “Ҳоким ва ёшлар” лойиҳаси доирасида “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳокими Қ.Шоназаров билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ва Тошкент давлат техника университетидида тахсил олувчи талаба-ёшлар иштирок этди.

— “Ҳоким ва ёшлар” учрашувида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволлар ва ечимини қўтаётган муаммолар бўйича жавоблар олишди, — дейди “Камолот” ЁИХ шаҳарча Етакчилар Кенгаши раиси Ф.Қўшаков. — Уларни бир эзгу мақсад йўлида бирлаштириш, она Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялаш, дахлдорлик ҳиссини янада кучайтириш, озод ва обод, тинч ва фаровон ҳаёти-мизга шукроналик ҳиссида яшаш қўниқмаларини янада мустақкамлаш, маънавий етук кадр бўлиб етиштирилишига кўмак беришда бу каби тадбирларнинг ўрни катта.

(Ўз муҳбиримиз)

ЖАМИЯТ УЧУН ЗАРАРЛИ ИЛАТ

Гиёҳвандлик бугунги кунда ўта долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ачинарлиси эса гиёҳвандлик балоси аксарият кишиларнинг ҳаётига зомин бўлаётган. Гиёҳвандлик касофатидан ер юзида миллионлаб инсон ҳаёт билан эрта видолашиши ҳамда оилалар бузилиб кетиши, жиноятга қўл уриш ҳолатлари кузатилаётган.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ёшлар орасида гиёҳванд воситаларининг тарқатилишига қарши курашга бағишлаб ўтказилган тадбирда ҳам шу ҳақда сўз юритилди.

— Мамлакатимизда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ташаббуси ва бошқа тегишли идора ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида наркотик воситаларнинг тарқатилишига қарши кураш ойлари ўтказиб келинаётгани ўз самарасини бермоқда, — дейди Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ОАВ билан алоқа қилиш бўлими раиси бошлиги Тулган Абдуллаев. — Жорий йилда ҳам 1 февралдан 1 мартгача юртимизда “Ёшлар орасида гиёҳванд воситаларнинг тарқатилишига қарши кураш ойлари”, деб эълон қилинди. Мазкур ойллик давомида республиканинг барча олий ва ўрта махсус ўқув юртилари қамраб олинди. Талабалар билан учрашувда уларга гиёҳвандликнинг аянчи оқибатлари хусусида тушунтиришлар берилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази бўлим бошлиги Ш.Ғуломов ва бошқалар гиёҳвандлик аср вабоси, унга қарши курашиш нафақат мутасаддилар, балки ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Ёшларни оғохликка қорлаган тадбирда ички ишлар идоралари ходимлари томонидан тайёрланган гиёҳвандликнинг аянчи оқибатлари акс эттирилган “Умр заволи” видеофильми намойиш этилди. Мазкур фильм ўз навбатида ёшларни аср вабосининг салбий оқибатларини чуқур англашларида муҳим омил бўлади. Тадбир сўнггида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларига мутахассислар томонидан жавоблар олишди.

Гиёҳвандлик бугун нафақат бир миллат доирасида, балки жабон миқёсида таҳдид солаётган бир пайтда бу каби тадбирларни айна ёшлар орасида ўтказилиши уларни тўғри хулосалар чиқаришга ундайди. Ҳар бир босаётган қадами, қилаётган ишини ўйлаш муҳимлигини яна бир қарра англайди.

Зарина РУСТАМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“KOSCHMAS MULK SAVDO XIZMATI” МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидеда ўтказилади очик аукцион савдолари тақдиди аҳади!

Аукцион савдосига М.Улугбек туман СИБ томонидан, ФИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2016 йил 21 июлдаги 23256-58/20/5-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Меҳрхон (собиқ А.Қодиров) кўчасида жойлашган фойдаланиш майдони 54.32 кв.м, яшаш майдони 42.02 кв.м бўлган, 3-уй қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси – 120 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 27 март кун соат 12:00да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2017 йил 24 март кун соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабдорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда “Koschmas Mulk Savdo Xizmati” МЧЖнинг “Ипак йўли банки” АИТБ САРБОН Ф-ДАГИ 20208000904920609114, МФО:01036, СТИР:207122519 х/рга тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказилади манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш қўчаси, 1-А-уй. Тел/Факс: 228-80-26. www.1kms.uz.

Лицензия: RR-0001.



Бебаҳо қадриятлар ёшлар нигоҳида



Спорт янгиликлари

ЯНГИ РЕЙТИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Осиё футбол конфедерацияси ташкилотга аъзо мамлакатлар федерацияларининг янги техник рейтингини эълон қилди.

Унга кўра, Ўзбекистон 45,524 очко билан 9-ўринни сақлаб қолди ҳамда "Фарб" минтақаси зонасидаги ассоциациялар орасида 5-поғонага жойлашди.

ОФК рейтингда Бирлашган Араб Амириклар (96,566 очко) пешқадамлик қилаётган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринларни мос равишда Жанубий Корея

(89,238) ва Қатар (78,842) эгаллаган.

Қайд этиш жоиз, ОФК томонидан киритилган ўзгаришларга кўра, янги техник рейтинг ФИФА рейтингдаги балларнинг 10 фоизи, тегишли ассоциациялар клубларининг Осиё чемпионлари лигаси ва ОФК кубоги халқаро мусобақаларида жамғарган балларининг 90 фоизидан ташкил топган.

ХАЛҚАРО МУСОБАҚАДА ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Россиянинг Подольск шаҳрида юнон-рум кураши бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди.

Унда асосан Россия, Қозоғистон, Белорус ҳамда Ўзбекистонлик полвонлар ғалиблик учун кураш олиб боришди. Мазкур мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси саккиз нафар курашчи билан иштирок этди.

Турнирда Феруз Тўхтаев барча рақибларини мағлуб этиб, якунда олтин медаль соҳибига

га айланди ва шохсупанинг энг юқори қисмидан жой олди. Жонибек Отабеков эса қумуш медалга сазовор бўлди. Бундан аввалроқ ушбу полвонимиз Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида ташкил этилган жаҳон чемпионатида бронза медалини қўлга киритган эди.

Энди эркин ва юнон-

рум курашчиларимиз Туркияга йўл олишади ва мавсумнинг навбатдаги халқаро мусобақасида иштирок этишади. Истамбулда ташкил этиладиган турнир 3-5 март кунлари юнон-рум кураши вакиллари иштирокида бўлиб ўтса, 10-12 март кунлари эркин курашчиларимиз гиламга чиқишади.

Ботир ХЎЖАЕВ

НАЗОРАТ-ЎРТОҚЛИК БАҲСЛАРИ

Янги футбол мавсумига Туркиянинг Анталия шаҳрида тайёргарлик доирасида Тошкентнинг "Локомотив" клуби назорат-ўртоқлик учрашувларида иштирок этди.

Миллий терма жамоамиз ҳужумчиси Александр Гейнрих фаолият юритадиган Қозоғистоннинг "Ордабаси" клубига қарши майдонга тушган темир-йўлчилар қизиқарли кечган ўйинда 1:2 ҳисобида рақибларига имкониятни бой бериб қўйишди. "Локомотив"нинг ягона голига Сардор Мирзаев муаллифлик қилди. Ушбу ўйинда Гейнрих майдонга тушмади.

Шунингдек, Украина-

ўтказилган учрашув ҳам 0:1 ҳисобида украиналикларнинг ғалабаси билан якунланди.

Пойтахтимизнинг бошқа бир етакчи жамоаси "Пахтакор" ҳам Туркиядаги йилнинг доирасида Сербиянинг "Раднички" клубига қарши ўртоқлик учрашувидан майдонга тушди. Қизиқарли кечган баҳс 1:1 ҳисобидаги дуранг билан якунланди. Пахтакорчилардан Акбар Исмаилов рақиб дарвозасини аниқ нишонга олди.

Дарвоқе, "Пахтакор" мураббийлари штабида ўзгариш юз берди. "Пахтакор" таркибида 13 мавсум тўп сурган маҳоратли футболчи сифатида муҳлислар кўнглидан ўрин эгаллаган Геннадий Денисов эндиликда "Пахтакор"да селекционер – мураббий бўлиб ишлайди. Бундан ташқари анчагина танилган бошқа бир мутахассис – Александр Мочин "Пахтакор" ёшлар жамоасида Жасур Абдураимовга ёрдам беради.

ТАЙЁРГАРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

Янги мавсумга тайёргарлик кўраётган "Обод"га жамоасининг асосий ва ўринбосарлар таркиби навбатдаги назорат учрашувлари ўтказди.

"Обод" ўринбосарлари ҳамда "Олмалик" ёшлар ўртасида кечган беллашув 2:1 ҳисобида пойтахтликларнинг ғалабаси билан якунланди. "Обод"нинг асосий таркиби футболчилари ҳамда "Бунёдкор" ёшлари ўртасида уюштирилган "Бунёдкор" академияси майдонидаги баҳсда

"Обод" жамоаси 3:1 ҳисобида зафар кучди.

Албатта, учрашув ўйинлар бошлангандан мавсум олдидан жамоаларга маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ТИББИЙ ВА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон экологик ҳаракати Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси ҳамда Тошкент шаҳар саломатлик ва тиббий статистика институти ҳамкорлигида "Аҳолининг тиббий ва экологик маданиятини шакллантиришда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини шакллантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда жамоат ва мутасадди ташкилотларнинг иштирокини кенгайтириш, жамоатчиларнинг бугунги кундаги экологик ҳолат бўйича маълумотларини оширишдан иборат бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент шаҳар саломатлик ва тиббий статистика институти ходимлари, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлини маси, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, ННТлар, Экоҳаракат фаоллари, Тошкент ирригация ва мелiorация институти ўқитувчи ва талабалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Давра суҳбатига сўзга чиққанлар она табиатни асраб-авайлаш, унинг сув ва ҳавоси, саноат қуёши, олтинга тенг тупроғини эъзозлаб, турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишимиз зарурлиги, замонамизнинг бепоян бағрида ястаниб ётган фойдали ер ости қон бойликлари қазиб олишда атроф-муҳитни ифлослантирмаслик ва бу ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик зарарларнинг олдини олиш, яшаб турган жойимизни обод ва кўркем ҳудудга айлантириш фақат соҳа вакиллари эмас, балки кенг жамоатчиликнинг, барча фуқароларнинг инсоний бурчи эканлигини алоҳида қайд этдилар.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон экологик ҳаракати Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси томонидан аҳолининг тиббий ва экологик маданиятини шакллантириш йўналишида қатор амалий-

таҳлилий тадбирлар ташкил этилди. Жумладан ушбу йўналишда ОАВда 100 дан ортиқ чиқишлар қилинди. Тошкент шаҳар саломатлик ва тиббий статистика институти томонидан соғлиқни сақлаш тизимида касалликларнинг олдини олиш, тарғибот йўли орқали соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касаллик оқибатлари ва хавфли омилларини аниқлаш, аҳоли ўртасида ижтимоий текширув таҳлилларини олиб бориш, профилактик тиббиётнинг амалиётда қўлланилишини назорат қилишдек самарали ишлар олиб боришмоқда.

Ифлосланган атроф-муҳитнинг бевосита одам соғлиғига, ҳаёт тарзига, умуман, ер юзиде яшовчи жамияти жонзотларга ва ўсимликлар ҳудудига зарари таъсирини яхши тушунишдан қўл тупроғимизни, оқова ва ичимлик сувларини, ҳавони, умуман, бизни ўраб турган бутун табиатни асраб-авайлаш барчамиз учун муқаддас бурч эканлигини аниқлаш ҳам бир инсон тарбияси, маданиятининг бир бўлаги бўлиб қолиши лозим.

Давра суҳбатига шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида қабул қилинган қонунлар ва қонун ости ҳужжатларининг мазмун-моҳияти тўғрисида иштирокчиларга тушунчалар берилди. Тадбир давомида оилада, мактабда таълим муассасаларида, мактабда, жамоатчилик орасида тиббий ва экологик маданиятни шакллантириш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам олиб бориш ҳам биримизнинг инсоний бурчимиз эканлиги ва бу атроф-муҳитни муҳофаза қилишда катта самара бериши тўғрисида таъкидлаб ўтилди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

Учтепа миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш орқали уларни турли ёт ғоялар таъсиридан асраш, салбий ахборотлардан ҳимоялаш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

ЁШЛАРНИ ТУРЛИ ТАҲДИДЛАРДАН АСРАЙЛИК

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда ёшларни турли экстремистик, террористик, миссионерлик оқимлари, "оммавий маданият" ва бошқа ёт ғоялар таъсиридан асраш, уларда бундай иллатларга қарши маънавий иммунитетни шакллантириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Бундай тадбирлар мамлакатимизнинг барча олий ва ўрта махсус билим юртиларида ўтказилмоқда, – дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши сектор мудири У.Бектемиров. – Мақсадимиз, она Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, эзгу ғоялар ва яратувчанлик руҳи билан ёшларни бир мақсад атрофида жамлаш, қалбиде юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссини оширишдан иборатдир.

Давра суҳбатига касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларда ёшларни ёт иллатлардан асраш борасида олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш юзасидан тақлиф-мулоҳазалар билдирилди.

А.КИЁСОВА,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"GRAND LOGISTICS" хусусий корхонаси ИНН 207172623 ташкилий-ҳуқуқий шаклини "GRAND LOGISTICS" масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирганини маълум қилади. Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 (бир) ой давомида 244-24-22 телефони орқали қабул қилинади.

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12148 нусхада босилди.
Қўзғат бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаменти»га — 233-74-05 телефони мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 13.40



Тошкент шаҳрида

17 февраль кунини ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Ғарбдан секундида 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундида 12-17 метр тезликда шомол эсади.

Ҳарорат кечаси — 5-7, кундузи — 8-10 даражага ошади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра,

17 февралда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмакорхонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 235

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Топшириш вақти: 13.00